Педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтида 2021 йил давомида амалга оширилган ишлар ҳақида маълумот

Профессионал таълимни режалаштириш ва ривожлантириш бўйича

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сонли фармони ижроси бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 9-январдаги 17-сонли буйруғи асосида январ ойида Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро, Навоий, Хоразм ҳудудларида профессионал таълим муассасаларидаги ўқув жараёни ва меъёрий ҳужжатларнинг ташкил этилганлиги ўрганилиб методик ёрдам кўрсатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 январдаги "Вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижий давлатга кетаётган шахсларни ва банд бўлмаган аҳолини ўқитишни ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ПҚ-4962-сон қарори ижроси бўйича вилоятлардаги қурилиш соҳаси малакали мутахассисларни тайёрлаш Марказларини ташкил қилиш ишлари ўрганилди, амалий ёрдам кўрсатилди. Ушбу қарор ижроси юзасидан ***14 та касб*** бўйича қисқа муддатли курсларининг ўқув режа ва модуллари ишлаб чиқилиб тасдиқланди, амалиётга жорий этилди. Шунингдек, ушбу 14 та касблар бўйича хом-ашё меъёрлари лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021-2025-йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисидаги" 2020-йил 27-ноябрдаги ПФ-6119-сон Фармони ижроси бўйича:

Қурилиш соҳасидаги мутахассисларини тайёрлашга оид илғор тажрибани ўрганиш бўйича институт томонидан ўқув-услубий семинарлар, семинар-тренинглар, "маҳорат дарслари"ни ўтказиш жадвали асосида 4 марта қурилиш марказлари раҳбарлари ва ўқитувчилари учун ўқув семинарлар ўтказилди. Жумладан, 2021 йилнинг 29 июнда "Архитектура қурилиш соҳасида коучинг услубини қўллаш бўйича миллий ва хорижий тажрибалар" мавзусида Ш.Рахимов (Профессионал таълимни инновацион ривожлантириш бошқармаси) томонидан ўқув семинар ташкил қилинди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 ноябрдаги "Профессионал таълим муассасаларида меҳнат мигрантларини тайёрлаш ва хорижга кетаётган фуқароларнинг касбий малакасини оширишни ташкил этиш тўғрисида"ги 626-сонли буйруғи ижроси ҳамда банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминлаш бўйича:

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан ҳамкорликда қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича "Асаларичи", "Балиқчи", "Иссиқхона", "Қуёнчилик", "Чорвачилик", "Лимончилик". Хизмат кўрсатиш соҳасида "Аёллар сартарошлик ишлари", "Эркаклар сартароши", "Шина монтажчи", "Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш", "Автомобил электр жихозларига хизмат кўрсатиш", "Тикувчилик", "Ошпаз", "Қандолатчи-нонвой", "Сантехник" каби қисқа муддатли ўқув курсларининг дастурлари;

Савдо саноат палатаси билан ҳамкорликда “Ёшлар ва хотин қизларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш” ва “Бухгалтерия ҳисоби” қисқа муддатли ўқув курсларининг ўқув дастурлари ва ўқув қўлланмалари;

Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирлиги билан ҳамкорликда қурилиш соҳасидаги **20 та касб** бўйича қисқа муддатли ўқув курсларининг ўқув дастурлари;

Ўзбекистон Республикаси Ҳунармандлар уюшмаси билан ҳамкорликда ҳунармандчилик соҳасидаги **16 та** касб бўйича қисқа муддатли ўқув курсларининг ўқув дастурлари,

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти билан ҳамкорликда енгил саноат йўналиши бўйича ишсиз ёшлар, хотин-қизлар ҳамда ўзининг касбий малакасини оширмоқчи (янги касб эгалламоқчи) бўлган фуқаролар учун “Тикувчилик”, “Бичувчилик”, “Тўқимачилик” ва “Тикувчилик жиҳозлари оператори” қисқа муддатли ўқув курсларининг дастурлари ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Тасдиқланган дастурлар институтнинг **http://edu.profedu.uz** порталига жойлаштирилди.

Юқоридаги қисқа муддатли ўқув курсларининг ўқитувчи-педагоглар ва ишлаб чиқариш таълим усталари учун **«Замонавий педагогик технологияларни таълим жараёнига татбиқ этиш»** бўйича услубий қўлланмаси ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Бошланғич профессионал таълим муассасалари учун ишлаб чиқилган (2020-2021 ўқув йили) **27 та касбнинг ўқув амалиёт дастурлари** қайта такомиллаштирилди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2021 йил 26 мартдаги “Профессионал таълим тизиминиг илмий-методик кенгаши ҳамда соҳалари бўйича ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 148-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида Профессионал таълим тизимининг илмий-методик Кенгаш ва Ўқув-методик бирлашмалар фаолиятини ташкил этиш бўйича Низом ҳамда янгиланган ўқув-методик бирлашмалар таркиби шакллантирилди.

Шунингдек, қуйидаги ишлар амалга оширилган

-Ўқув-методик материалларни яратиш бўйича тажрибали ва малакали мутахассислардан иборат ижодий жамоалар шакллантирилди;

-Апрел ойида соҳалар бўйича шакллантирилган 17 та ўқув-методик бирлашмаларнинг дастлабки йиғилишлари ўтказилиб, бирлашмаларанинг йиллик иш режалари ва аъзолари тасдиқланди;

-Май-июн ойларидаги ўтказилган йиғилишларда 37 та ўқув методик маҳсулотлар, жумладан, 31 та ўқув қўлланмалар ҳамда 6 та ўқитиш материаллар тўплами кўриб чиқиб муҳокамадан ўтказилди. Муҳокамадан ўтган методик маҳсулотлар муаллифларига институтнинг сертификатлари топширилди, http://edu.profedu.uz/;

-Август ойида ўтказилган йиғилишларида 16 та методик маҳсулотлар муҳокама қилинди. Шунингдек, малака талаблари, намунавий ўқув режалар, ўқув дастурлари ва улар асосида тайёрланган дарсликлар, ўқув қўлланмаларни экспертизадан ўтказилди;

-ўқув-методик бирлашмалар йиғилишларида жами 102 та ўқув қўлланмалар муҳокамадан ўтказилди. Шундан, 17 та ўқув қулланмага Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2021 йил 23-ноябрдаги 500-сонли буйруғи ва

мувофиқилаштирувчи кенгаш мажлисининг 8-сонли баёни асосида нашр этишга тавсия этилди.

-Профессионал таълим муассасаларининг ўқув режаларидаги умумкасбий ва мутахассислик фанлардан яратилган жами 53 та дарслик ва ўқув қулланмалар тахлил қилиниб, хулосалар олинди. Тахлил натижасига кўра 44 та ўқув адабиётларига ижобий, 9 та ўқув адабиётларга салбий хулосалар берилган.

-Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирилигининг 2020 йил 4 сентябрдаги "Профессионал таълим муассасалари учун ўқитиш материаллар тўпламларини яратишни ташкил этиш тўғрисида"ги 465-сонли буйруғининг ижросини таъминлаш мақсадида тақдим этилган 45 та фан бўйича ўқитиш материаллари тўпламлари экспертиза қилинди, шундан 13 та фандан ўқитиш материаллари тўпламлари ўқув методик бирлашмалар томонидан ижобий хулоса берилди ва белгиланган тартибда тасдиқланди.

Профессионал таълим йўналишлари, мутахассисликлари ва касблари **классификаторига** иш берувчилар таклифлари асосида **254 та касб** ва мутахассисликларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш лойиҳаси тайёрланди. Жумладан ***15 та касб*** *ва мутахассислик чиқариб ташланди,* ***178 та касб*** *ва мутахассисликка ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди,* ***61 та янги касб*** *ва мутахассисликлар янгидан киритилди. Шулардан* ***8 таси бошланғич профессионал*** *таълим,* ***51 таси ўрта профессионал*** *таълим ва* ***2 таси ўрта махсус профессионал*** *таълим даражасига тегишли касб ва мутахассисликларни ташкил этади.*

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирилигининг 2020 йил 4 сентябрдаги "Профессионал таълим муассасалари учун ўқитиш материаллар тўпламларини яратишни ташкил этиш тўғрисида"ги 465-сонли буйруғи ижроси юзасидан ўқитиш материаллар тўпламларини ишлаб чиқилиши бўйича ҳудудий бошқармалар ва барча профессионал таълим муассасалари ходимлари*(1000 дан ортиқ*) иштирокида ***2021 йил 18 июн куни соат 15.30 да*** онлайн семинар ташкил қилиниб профессионал таълим муассасалари педагогларига услубий-амалий ёрдам кўрсатилди.

Классификатордаги мавжуд соҳалардан келиб чиқиб ***19 та соҳа*** *ва йўналишларнинг паспортлари шакллантирилди.* Ушбу паспортларнинг таркибий қисми қабул мавжуд бўлган касблар, мавжуд педагоглар, адабиётлар, жиҳозлар ва қисқа муддатли курслардан иборат. Вилоятлар миқёсида маълумотлар умумлаштирилиб умумий база шакллантирилди.

Профессионал таълим тизимида қабул мавжуд бўлган касб ва мутахассисликларни адабиётлар билан таъминлаш бўйича мавжуд(олдинги) адабиётлар тахлил қилинди, жумладан

Бошланғич профессионал таълим тизимида жами 707 та фанлар мавжуд бўлиб, шундан **173** та фанлар бўйича адабиётлар мавжуд эмас;

(умумкасбий фанлар: 202 та бўлиб, шундан 18 тасига адабиёт мавжуд эмас

(махсус фанлар: 502 та бўлиб, шундан 155 тасига адабиёт мавжуд эмас)

Умумий ҳолатда профессионал таълим тизимида **3263 та фанлар** мавжуд бўлиб, шундан **1151 та** фанлар бўйича адабиётлар мавжуд эмас;

Бир хил бўлган фанлар чиқариб ташлангандан сўнг жами 2714 фан қолади, шундан 1005 та фан бўйича адабиёт мавжуд эмаслиги таҳлил натижасида аниқланди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2021 йил 1 июндаги “Умумтаълим фанларини касбларга йўналтириб ўқитиш методикаларини ишлаб чиқиш тўғрисида”ги 247-сонли буйруғи ижроси бўйича 14 та умумтаълим фанлари бўйича касбга йўналтирилган методикалари бириктирилган масъуллар билан ишлаб чиқилди, муҳокамадан ўтказилди, амалиётга жорий этилди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2021 йил 30 июндаги “Профессионал таълим тизими таълим дастурларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш тўғрисида”ги 288-сонли буйруғи ижроси буйича:

-таянч профессионал таълим муассасаларида таълим дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштириш бўйича ишчи гуруҳлар таркиби шакллантирилди ва тасдиқланди.

-2021/2022 ўқув йили учун бошланғич ва ўрта профессионал таълим даражасидаги касб ва мутахассисликларнинг таълим дастурларини ишлаб чиқиш учун 18 та таянч таълим муассасасида 92 та ишчи гуруҳлар ташкил қилиниб, ушбу ишчи гуруҳларга иш берувчи корхона ва ташкилотлардан, (16 та вазирлик, 2 та инспекция, 8 та қўмита, 2 та агентлик, 2 та кенгаш, 4 та комбинат ва компания, 5 та акциядорлик жамиятлари, 7 та уюшмалар ва 4 та бошқа ташкилот) олий ва профессионал таълим муссасаларидан жами 1046 нафар ходимлар ва педагоглар жалб қилинди.

-таянч профессионал таълим муассасалари ва ишчи гуруҳлар учун таълим дастурлари ва “Компетенсиялар матритсаси”ни ишлаб чиқиш бўйича 2021 йилнинг 27 июлида соат 15.00 да онлайн семинар-тренинг ўтказилди.

-Амалиётга жорий этилган таълим стандартлари, ўқув режалари ҳамда дастурларни такомиллаштириш бўйича шакллантирилган ишчи гуруҳ томонидан жами **83** та таклиф ва тавсиялар киритилди, шундан **43 та 3-даражали**, **17 та 4-даражали ва 23 та 5-даражали** касб ва мутахассисликларга таклифлар бўйича таҳлилий ишлар олиб борилди.

-профессионал таълим тизимининг бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим дастурлари лойиҳалари расмий сайтларда муҳокама учун жойлаштириш мақсадида Институтнинг 2021 йил 10-августдаги ЗХ-01/12-839-сонли ва 17-августдаги ЗХ-01/12-856-сонли хатлари билан Таълим муассасаларида электрон таълимни жорий этиш марказига мурожаат қилинди.

-ишлаб чиқилган таълим дастурлари профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув услубий бирлашмалар йиғилишларида мухокамадан ўтказилди, Олий ва Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича ўқув услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2021 йил 28 августдаги 5-сонли мажлис баёни билан маъқулланди ҳамда Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 30-августдаги 375-сонли буйруғи билан тасдиқланди ва жорий этилди.

-Мухокамалардан ўтиб, таклифлар олиниб, қайта такомиллаштирилган бошланғич профессионал даражасидаги **106 та** (67 та маданият ва санъат йўналишида) касбларнинг, ўрта профессионал таълим даражасидаги **139 та** касб ва мутахассисликларнинг таълим дастурлари ҳамда *компетенсиялар матритцалари* ишлаб чиқилиб тегишли вазирлик ва иш берувчи ташкилотлар билан ўрнатилган тартибда тасдиқланди ва **edu.profedu.uz** таълим порталига жойлаштирилди.

-7 **та касб бўйича** бошланғич профессионал таълим дастурлари лойиҳаларига **Worldskills** стандартлари киритилди.

-Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2021 йил 13 сентабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 31-августдаги ПҚ-5241-сон қарори ижроси тўғрисида"ги 394-сонли буйруғига мувофиқ ўрта махсус профессионал таълим дастурларини олий таълим тизими билан интегратсиялашган ҳолда ўрта махсус профессионал таълим даражасидаги **101 та касб ва мутахассисликлар** бўйича таълим дастурлари ишлаб чиқилди.

Шаклланган қабул квотасидан келиб чиқиб умимий ҳолда барча профессионал таълим даражалари бўйича **345 та касб ва мутахассисликлардан** таълим дастурлари ишлаб чиқилди. Ушбу ишлаб чиқилган таълим дастурларининг **195** тасида касбий стандартлардан фойдаланилди. Жумладан, 3-даражадаги 50 та касбларга, 4-даражадаги 103 та касбларга, 5-даражадаги 42 та касб ва мутахассисликлар стандартлар ишлаб чиқилган

Профессионал таълим даражалари бўйича касб ва мутахассисликларнинг ишлаб чиқилган таълим дастурлари ҳақида маълумот

№	ПТ даражаси	Классификатордаги касб ва мутахассисликлар сони	Қабул шаклланган касбларнинг таълим дастурлари ишлаб чиқилганлари сони				Таълим дастурлари ишлаб чиқишда фойдаланилган касбий стандартлар		Worldskills стандартлари киритилган касблар сони	
			Кундузги	%	Дуал	%	Сони	%	Сони	%
1	БПТ	130	106	82%	0	0	50	47%	8	16%
2	ЎПТ	363	139	38%	7	2%	103	74%	4	4%
3	ЎМПТ	116	100	86%	7	6%	42	42%	0	0
ЖАМИ		609	345	69 %	14	3%	195	54%	12	7%

Профессионал таълим муассасаларида ўқув меъёрий хужжатларни юритиш бўйича "Профессионал таълим муассасаларида умумтаълим, умумкасбий ва махсус фанларнинг ишчи ўқув дастурларини ишлаб чиқиш" бўйича **йўриқнома,**

-**"**Ошпазлик таомларини тайёрлаш" ишлаб чиқариш амалиёти фанидан **ишчи ўқув дастури**

-Профессионал таълим муассасаларида "Ишчи ўқув дастурларини ишлаб чиқиш бўйича йўриқнома" ҳамда "Профессионал таълим муассасаларида кечки ва сиртқи таълим шаклидаги касб ва мутахассисиликлардан ишчи ўқув режалар ва ўқув жараёни графигини ишлаб чиқиш бўйича услубий тавсиялар" ишлаб чиқиб тасдиқланди ва жойларга этказилди.

2020 йил 10-ноябр куни **"Профессионал таълим тизимида ислоҳотлар: Малака ошириш таълим турида инновацион ғоялар"** мавзусида онлайн тизимда ўтказилган халқаро илмий-амалий конференция ташкил этилди.

Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўйича **10 та** анимацион роликлар тайёрланди.

Стропалчи касби ишора ҳаракатлари **10 та** анимацион роликлари тайёрланди.

Август семинарлари учун **15 та** мавзуда видео ролик материаллари тайёрланди ва Институтнинг youtube ижтимоий тармоғидаги каналига жойлаштирилди.

Қурилиш соҳасига доир Open source шаклидаги **100 дан ортиқ** видео материаллар қайта ишланди.

Малака ошириш модуллари бўйича **30 дан ортиқ** видеодарслар тайёрланди.

Қурилиш йўналиши бўйича 400 дан ортиқ плакатлар тайёрланди ва тўплам шаклига келтирилди. Жумладан, Бетончи (монолитчи, арматурачи, опалубкачи) касби бўйича 36 та, Ғишт терувчи касби бўйича 23 та, Электрогазпайвандчи касби бўйича 27 та, Дурадгор (Пол усти қопламаларини терувчи) касби бўйича 26 та, Сувоқчи касби бўйича 25 та, Буёқчи-безакчи касби бўйича 23 та, Сантехника ишлари устаси касби бўйича 34 та, Электромонтажчи (электрик) касби бўйича 34 та, Стропалчи (кран машинисти ёрдамчиси) касби бўйича 29 та, Қопловчи-плиткачи касби бўйича 23 та, Пўлат ва темир бетон конструкциялар монтажчиси касби бўйича 23 та, Гипсокартон монтажчиси касби бўйича 30 та, Кран машинисти (кранчи) касби бўйича 38 та, Том ёпувчи касби бўйича 26 та, Автогидроподёмник бошқарувчиси касби бўйича 10 та, Автокран бошқарувчиси касби бўйича 10 та, “F” тоифадаги мелиоратив ва йўл-қурилиш машиналарини бошқарувчиси I-класс трактор-машинисти касби бўйича 10 та ҳамда “E” тоифадаги гидростатик трансмиссияли ўзиюрар машиналарни бошқарувчи II-класс трактор-машинист касби бўйича 10 та.

Қурилиш соҳасига оид касблар бўйича плакатлар тўплами ЭАТР яратилди.

Касб-ҳунар мактабларининг қурилиш соҳасидаги сантехника ишлари устаси ва Электрик касби бўйича ЭАТР тайёрланди.

Стропалчи касби ишора ҳаракатлари анимацион роликлари асосида ЭАТР шакллантирилди.

Банд бўлмаган аҳолини ишга жойлаштириш мақсадида касбга ўқитиш учун 14 та (Бетончи, Ғишт терувчи, Электрогазпайвандчи, Дурадгор, Сувоқчи, Буёқчи-безакчи, Сантехника ишлари устаси, Электромонтажчи, Стропалчи, Қопловчи-плиткачи, Пўлат ва темир бетон конструкциялар монтажчиси, Гипсокартон монтажчиси, Кран машинисти, Том ёпувчи) қисқа муддатли курсларнинг ЭАТРларини ишлаб чиқиш бўйича материаллар жамланмоқда. Шу кунга қадар 14 та қисқа муддатли курс бўйича мавзулар кесимида 400 дан ортиқ плакатлар тайёрланди ва 100 дан ортиқ видео материаллар, 8 та курс бўйича маъруза матнлари, 50 га яқин тақдимот материаллари тайёрланди.

Касб-ҳунар мактабларининг Телерадиоаппаратураларини таъмирловчи уста касби учун мўлжалланган Уяли алоқа воситалари ва радиотелеаппаратураларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш фанидан, Муҳандислик графикаси фанидан, Компьютер тармоқлари фанидан, Маълумотлар базасини бошқариш тизими ўқув амалиёти фанидан, Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси фанидан, Веб дастурлаш фанидан, Мобиль қурилмаларни дастурлаш фанидан, Ахборот хавфсизлиги ўқув амалиёти фанидан ўқитиш материаллари тўплами ҳамда Ахборот хавфсизлиги фанидан, Рақамли мультимедиа ахборотларини қайта ишлаш технологияси фанидан, Муҳандислик ва компьютер графикаси фанидан ва Қуёнчилик ўқув курслари учун жами **12 та ўқув қўлланма** тайёрланди.

Ўқитиш материаллари тўпламлари белгиланган тартибда ўқув-методик бирлашмаларда муҳокамадан ўтказилганлар сони **30** та, шундан **11** тасининг

муаллифларига гувоҳномалар расмийлаштирилган ва эду.эду.проф.уз платформасига жойлаштирилган. Қўшимча **9** та ўқитиш материаллари тўпламларига гувоҳномалар расмийлаштирилмоқда. **10** та ўқитиш материаллари тўпламлари такомиллаштириш жараёнида.

Банд бўлмаган аҳолини ишга жойлаштириш мақсадида касбга ўқитиш учун **14 та** (Бетончи, Ғишт терувчи, Электрогазпайвандчи, Дурадгор, Сувоқчи, Буёқчи-безакчи, Сантехника ишлари устаси, Электромонтажчи, Стропалчи, Қопловчи-плиткачи, Пўлат ва темир бетон конструкциялар монтажчиси, Гипсокартон монтажчиси, Кран машинисти, Том ёпувчи) қисқа муддатли курсларнинг дарстурлари учун муқова дизайнлари тайёрланди ва қўлланма шаклига келтирилди.

Касб-ҳунар мактабларининг **14 номдаги 28 та** умумтаълим фан дастурлари учун муқова дизайнлари тайёрланди ва қўлланма шаклига келтирилди.

Профессионал таълим муассасалари ўқитувчилари учун **11 номдаги** умумтаълим фанларини касбга йўналтириб ўқитиш бўйича методик қўлланмалар учун муқова дизайнлари тайёрланди ва қўлланма шаклига келтирилди.

5 номдаги методик тавсиялар ҳамда **2 номдаги** методик йўриқномалар учун муқова дизайнлари тайёрланди ва қўлланма шаклига келтирилди.

Профессионал таълимнинг 8 та билим соҳаси ўқув-меъёрий ҳужжатлари учун муқовалар тайёрланди.

profedu.uz порталида Профессионал таълим муассасалари гуруҳ раҳбарларини масофавий малака оширишига мўлжалланган масофавий малака ошириш курси ташкил қилиниб 7 та модуль (Гуруҳ раҳбарлари фаолиятини ташкил қилишнинг норматив-ҳуқуқий асослари, Ижтимоий психология, Тарбиявий ишлар назарияси ва методикаси, Конфликтология, Психотренингларни ташкил этиш, Тарбия соатларини ўтказишнинг замонавий шакллари, Институт ихтиёридаги соатлар (танлов фани)) бўйича ўқитиш материаллари (маъруза матни, мавзулар бўйича тақдимот ва назорат материаллари) жойлаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги ПҚ-4884-сон қарорининг 13-банд 3-хатбошиси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2020 йил 14 нояб рдаги 594-сон буйруғининг 9-банди ижросини таъминлаш мақсадида edu.profedu.uz профессионал таълим муассасаларини методик таъминлаш платформаси ишга туширилди.

Платформага жойлаштирилган ўқув-меъёрий ҳужжатлар жами **471 та касб ва мухассисликлар** бўйича, шу жумладан, **бошлағич профессионал таълим** даражаси бўйича **152 та**, **ўрта профессионал таълим** даражаси бўйича **195 та** ҳамда **ўрта-махсус профессионал таълим** даражаси бўйича **96 та**ни ташкил этади. Платформага бошлағич профессионал таълим даражаси бўйича 108 та касб малака талаби ва касб ўқув режаси ҳамда 105 та касбнинг ўқув дастурлари тўплами, ўрта профессионал таълим даражаси бўйича 141 та касб ва мухассисликларнинг малака талаби ва ўқув режаси ҳамда 131 та касб мухассисликларнинг ўқув дастурлари тўплами, ўрта-махсус профессионал таълим даражаси бўйича 88 та мутахассисликнинг малака талаби ва ўқув режалари ҳамда 32 та касб мухассисликларнинг ўқув дастурлари тўплами жойлаштирилди. Шунингдек, платформага **28 номдаги Умумтаълим фанлари** ҳамда **18 номдаги Узлуксиз таълим Миллий ўқув дастурлари** тўпламлари ҳам жойлаштирилди.

Шу кунгача платформадаги фойдаланувчилар сони **12 396 нафар**ни ташкил этмоқда, хусусан Қорақалпоғистон Республикасида 875 нафар, Андижон вилоятида 1 009 нафар, Бухоро вилоятида 498 нафар, Жиззах вилоятида 735 нафар, Қашқадарё вилоятида 1 868 нафар, Навоий вилоятида 386 нафар, Наманган вилоятида 1 014

нафар, Самарқанд вилоятида 1 617 нафар, Сирдарё вилоятида 550 нафар, Сурхондарё вилояти 1 072 нафар, Тошкент вилоятида 774 нафар, Фарғона вилоятида 760 нафар, Хоразм вилоятида 1 144 нафар ва Тошкент шаҳрида 94 нафар.

Фойдаланувчилар шу кунгача мазкур платформадан ўқув-меёрий ҳужжатларни 29 642 марта юклаб олишган.

Ҳозирги кунда такомиллаштирилиётган ўқув-меёрий ҳужжатларни оммавий муҳокамадан ўтказиш ҳамда билдирилган таклиф ва мулоҳазалар асосида ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш мақсадида платформага жойлаштириб борилмоқда.

Методик таъминлаш платформасига ўқув-методик бирлашмалар томонидан муҳокамадан ўтказилиб тасдиқланган ва тегишли гувоҳномалар берилган ўқув қўлланма (3 та) ва ўқитиш материаллари тўпламлари (11 та), Институт томонидан ишлаб чиқилган Қисқа муттадли курслар дастурлари (71 та), методик тавсиялар ва йўриқномалар (3 та), видео ресурслар (15 та), тизимга оид инфографикалар ҳам жойлаштириб борилмоқда. Шунингдек, платформада Касб-ҳунар таълими журналининг сўнги 4 йилдаги сонлари ҳамда дунёдаги профессионал таълим билан боғлиқ бўлган платформалар рўйхати ва улар ҳақида қисқача маълумотлар жойлаштирилган.

Малака ошириш ва қайта тайёрлаш тингловчилари, Профессионал таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган бошқарув ҳамда педагог кадрлар мустақил таълим олишлари учун хизмат қилади. Платформага профессионал таълим муассасасалари фаолиятига оид Ўқув-меъёрий ҳужжатлар, Ўқув қўлланмалар, Ўқитиш материаллари тўплами, Қисқа муддатли курслар, Методик тавсиялар, Методик йўриқномалар, Видео ресурслар ва Инфографикалар жойлаштирилиши мумкин.

Электрон журнал малака ошириш ва қайта тайёрлаш тингловчилари ўзлаштириш даражаси ва давоматини кундаликларда қайд этиб бориш, шунингдек, статистик ҳисоботларни шакллантириш ҳамда малака ошириш жараёнини, ўқув режа ва дастурлар асосида ташкил этиш ва такомиллаштириб бориш, дарс жараёнини сифатли ўтилишини таъминлаш, тингловчиларнинг билим, малака ва кўникма даражаларини янада оширишга қаратилган ишлар самарадорлигини назорат қилиш учун хизмат қилади. Электрон журнал одатий қоғоз журналининг стандарт тури ва бир қатор қўшимча кўринишлари: кунлик журнал, дарс саҳифаси, кириш-чиқиш тести мониторинги, маъмурият баҳолаш тизимларини ва қўшимча материаллар қўшишларни кўриш мумкин.

Профессионал таълим тизимига оид 40 дан ортиқ тақдимот материаллари тайёрланди.

Институт локал тармоғини ахборот хавфсизлиги талабларига мослигини танқидий таҳлил қилинди. Таҳлил натижаларига кўра ахборот хавфсизлиги талабларига мослигини таъминлаш борасидаги амалга оширилди.

Институт ходимларининг ахборот хавфсизлиги бўйича билим ва кўникмаларини шакллантириш, институт ҳудудида ягона ахборот хавфсизлиги сиёсатини юритиш мақсадида ахборот хавфсизлиги сиёсати, компьютер техникаси ва интернет тармоғидан фойдаланиш бўйича йўриқнома ишлаб чиқилди, барча ходимлар таништирилиб чиқилди.

Институт ходимлари томонидан фойдаланилаётган компьютер ва офис техникаларига 756 марта техник хизмат кўрсатилди. 168 марта операцион тизимлари қайта ўрнатилди. 43 марта принтер картриджларига ранг (заправка)

қуйилди ҳамда 164 марта принтерларга хизмат кўрсатилди. 60 дан ортиқ ходимларнинг компьютерлари ички тармоққа уланди. 30 дан ортиқ конференция, семинарлар ва хорижий ҳамкорлар билан бўлган йиғилишларда жами 5489 марта суратга олинди ҳамда Институтнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилди.

Ўқув жараёнини илмий-техникавий, ўқув-методик ва халқаро ахборот ресурслари билан таъминлаш бўйича 138 та Диссертация, 172 та Автореферат, 3 688 та халқаро лойиҳалар ҳамда 12 341 та бадиий ва фан китоблари электрон рўйхати шакллантирилди.

Малака ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнларни ташкил этиш бўйича

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 26 февральдаги “Профессионал таълим тизими бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги 106-сон қарори қабул қилинди. Қарорда малака ошириш ва қайта тайёрлаш соҳасида йиғилган кўп йиллик миллий ва хорижий илғор тажрибалар акс эттирилгани ҳолда республика профессионал таълим тизимида малака ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнларининг устувор йўналишлари, уларни бошқариш тамойиллари ва мониторингининг асослари белгилаб берилди.

Мазкур қарор ижросини таъминлашга оид Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг (ОЎМТВ) 2021 йил 1 мартдаги 116-сон буйруғи қабул қилинди.

ОЎМТВнинг 2021 йил 19 мартдаги 141-сон буйруғи билан Институтнинг янгиланган Устави ва тузилмаси тасдиқланди. Унга мувофиқ Педагогик инновациялар институтининг таркибий бўлинмалари, кафедралар ва деканатнинг Низомлари таълим тизимининг устувор вазифаларини инобатга олган холда қайта ишлаб чиқилиб, ходимларнинг функционал вазифалари қайта кўриб чиқилди ва тасдиқланди.

ОЎМТВнинг 2021 йил 5 апрелдаги 167-сон буйруғи билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Педагогик инновациялар институтининг юридик шахс мақомига эга бўлмаган ҳудудий малака ошириш ва қайта тайёрлаш факультетлари ташкил этилди.

Педагогик инновациялар институтининг 2021 йил 10 ноябрьдаги №27-С-сон буйруғига мувофиқ 2021 йил 11-13 ноябрь кунлари 3 нафар Институт ходимлари Самарқанд ва Наманган вилоятлари, Тошкент шаҳрига хизмат сафарига юборилди. Улар томонидан Самарқанд ва Наманган вилоятлари, Тошкент шаҳрида ташкил этилган Педагогик инновациялар институтининг ҳудудий қайта тайёрлаш ва малака ошириш факультетларида малака ошириш ўқув жараёнларига тайёргарлик ҳолати ўрганилди ва тегишли методик ёрдам кўрсатилди.

Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармалар маълумотларига таянган холда (Институтнинг 2021 йил 17 мартдаги 3Х-01/03-287-сон топшириқ хати) ташкил этиладиган ҳудудий факультетлар томонидан қамраб олинадиган касб ва мутахассисликлар рўйхати, тингловчилар контингенти аниқланди, ҳудудий факультетларнинг декан лавозимини эгаллаш учун номзодлар рўйхати шакллантирилди ва маълумотнома-объективкалари жамланди.

2022 йилдан бошлаб Наманган, Самарқанд ва Тошкент шаҳрида Педагогик инновациялар институтининг ҳудудий факультетлари фаолиятини ташкил этиш белгиланди. Ушбу факультетларда малака ошириш жараёнлари режалаштирилган касблар бўйича намунавий ўқув режа ва дастурлар тасдиқланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 26 февралдаги “Профессионал таълим муассасаларининг бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 106-сон қарори 3-бандига асосан Педагогик инновациялар институти ва унинг ҳудудий факультетларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун қўшимча талаб этиладиган жиҳозлар рўйҳати ОЎМТВга тақдим этилди.

ОЎМТВнинг 2021 йил 23 декабрьдаги 50-2012-сон буйруғи билан Профессионал таълим муассасаларининг бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга қўйиладиган Давлат таълим талаблари тасдиқланди.

Профессионал таълим тизимида анъанавий ўқитиш усулларини мустасно этмаган ҳолда қайта тайёрлаш ва малака ошириш фаолияти соҳасида инновацион технологиялар асосида ҳар бир тингловчига индивидуал ёндашиш имконини берувчи ва унинг таълимий эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган, таълим натижаларини объектив баҳолашни таъминлайдиган **my.moqt.uz** дастурий-алгоритмли платформа яратилди.

Қарорда белгилаб берилган «Ҳаёт давомида таълим олиш» тамойили асосида узлуксиз малака оширишни таъминлашга қаратилган электрон портфолио тизими жорий этилди ва бугунги кунда my.moqt.uz платформанинг маълумотлар базаси шакллантирилди (**725** та профессионал таълим муассасалари, **12** та ихтисослашган олий таълим муассасалари ҳузуридаги малака ошириш марказ (факультет)лари, бошқарув ва педагог кадрлар тўғрисидаги маълумотлар киритилди).

“Педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтида наъмунали дарсларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низоми тасдиқланди.

Бундан ташқари, Педагогик инновациялар институтининг қуйидаги:

“Профессионал таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари ўқув режа ва дастурларини ишлаб чиқиш тартиби ва уларнинг тузилиши, мазмуни ва расмийлаштирилишига қўйиладиган талаблар тўғрисида низом”;

“Профессионал таълим тизимининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг якуний аттестациясини ташкил этиш тартиби”;

“Педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтида дарсларни таҳлил қилиш бўйича йўриқнома”;

“Педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти ва унинг ҳудудий филиалларида дарс жадвалини тузиш тартиби тўғрисида низом” номли локал ҳужжатлар такомиллаштирилиб, тасдиқланди.

ОЎМТВнинг 2020 йил 23 декабрьдаги 672-сон буйруғи асосида Педагогик инновациялар институти томонидан 2021 йил январ ойидан бошлаб жами 13 та тоифадаги *(профессионал таълим муассасаларининг директорлари, ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари, ўқув тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари, ёшлар ишлари бўйича директор ўринбосари, молия-иқтисод ишлари бўйича директор ўринбосари, ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари, бош усталар, бўлим бошлиқлари, тадбиркорлик фани ўқитувчилари, гуруҳ раҳбарлари, психологлар, бошқарув кадрлар заҳираси)* **7149** нафар раҳбар ва педагог ходимлар контингентини қамраб олинишини таъминлашга қаратилган малака ошириш ишлари ташкил этилди. Улардан **4215** нафари бевосита Педагогик инновациялар институтида, қолган **2934** нафари ҳудудларда ташкил этилган **12** та ихтисослашган олий таълим муассасалари ҳузуридаги малака ошириш марказ (факультет)ларида малака ошириши режалаштирилган.

Педагогик инновациялар институтида **4215** нафар бошқарув ва педагог кадрларни малакасини ошириш машғулотларининг жами ўқув юкламаси **17188** соатни ташкил этиб, ўқув машғулотларини олиб бориш учун Инновацион таълим технологиялари, Персонални бошқариш ва Таълимда бошқарув кафедралари таркибида жами **20** та профессор-ўқитувчилар штат бирликлари ажратилди. Ушбу кафедраларнинг штат бирликларига жами **32** нафар профессор-ўқитувчилар ишга қабул қилинган, улардан **18** нафари асосий штатда, **14** нафари ички ва ташқи ўриндошлик асосида фаолият юритган. Педагогик инновациялар институти профессор-ўқитувчиларининг илмий салоҳияти **60**% ни ташкил этади (**5** нафар фан доктори, **15** нафар фан номзоди),

Жорий йил давомида Педагогик инновациялар институтида **13** та тоифа бўйича малака ошириш режаси республика бўйича **102,3 %** га бажарилди (режа **4215**, бажарилиши **4310** нафар).

Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида 2020 йил 14 июлда "Ёшлар ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича олиб борилаётган ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган долзарб вазифалар тўғрисида" мавзусида ўтказилган видеоселектор йиғилишининг 58-сонли баёни топшириқлари ҳамда уларнинг ижросига бағишланган ОЎМТВнинг 2020 йил 2 сентябрдаги 460-сон буйруғи асосида Педагогик инновациялар институтида 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб профессионал таълим муассасалари тадбиркорлик таълими бўйича ўқитувчиларни қисқа муддатли мақсадли қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари ташкил этилди. Ушбу курсларга жорий ўқув йилида **258** нафар педагоглар (**4215** нафар контингент доирасида) жалб этилиши режалаштирилган бўлиб, кўзланган топшириқ тўлиқ ижро этилди.

Ўзбекистан Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги "Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ПҚ-4884-сон қарорида профессионал таълим муассасаларида фаолият юритаётган гуруҳ раҳбарларининг малакасини ошириш вазифаси белгиланган. Ушбу топшириқ ва ОЎМТВ нинг 2021 йил 26 январдаги 51-сон буйруғи асосида 2020-2021 ўқув йилида **2446** нафар гуруҳ раҳбарлари (**4215** нафар контингент доирасида) учун **72** соатли қисқа муддатли малака ошириш курслари ташкил этилиб, белгиланган топшириқ тўлиқ ижро этилди.

Олий таълим муассасалари ҳузурида ташкил этилган **12** та ихтисослашган малака ошириш марказ (факультет) ларида **3265** нафар педагог ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг малакалари оширилди. Қайта тайёрлаш курсларида **25** нафар тингловчилар билан машғулотлар олиб борилди.

Малака оширишнинг **13** та тоифалари учун ўқув режалар ва уларнинг таркибига кирувчи **71 та** фан (модул)ларнинг ўқув дастурлари замонавий талаблар асосида қайта ишлаб чиқилди ва белгиланган тартибда тасдиқланди.

Жумладан, мазкур ўқув режаларига ўзида замонавий билимларни мужассам этган "раҳбарнинг "soft skills" компетенцияларини ривожлантириш", "таълим муассасаси ўқувчиларининг "World Skills" стандартлари асосида компетенцияларини шакллантириш", "дуал таълим тизими тамойилларини жорий этиш", "тадбиркорликка йўналтирилган таълим", "маҳсулотлар ишлаб чиқишни ташкил этиш", "симуляцион ўқитишни ташкил этиш", "таълим натижаларига мўлжалланган ўқув жараёнини ташкил этиш" ҳамда "тажриба синов ишларини ташкил этиш" каби замонавий модуллар жорий этилди.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнига ўқитишнинг замонавий технологияларини тадбиқ этиш мақсадида 2021 йилнинг январь ойида Беларусь

Республикасининг Профессионал таълимнинг республика институти (РИПО), Россия Федерациясининг Профессионал таълимни ривожлантириш институти (ИРПО) ҳамда Россия халқлар дўстлиги университети (РУДН) билан ҳамкорлик шартномалари имзоланди. Шартномалар ижросини таъминлаш мақсадида хамкорлар билан 3 марта бевосита ва 8 марта “online” шаклда учрашувлар ўтказилди.

2021 йил 23 июнь куни “Профессионал таълим муассасалари бошқарув ва педагог кадрлари малакасини оширишда **my.moqt.uz** порталида яратилган электрон платформа орқали масофавий таълим ресурсидан фойдаланиш ҳамда шу асосида малака ошириш жараёни самарасини янада ошириш” мавзусида онлайн республика илмий-амалий семинари ўтказилди.

2021 йил 24-30 июнь кунлари РУДН профессор-ўқитувчилари томонидан профессионал таълим муассасалари рус тили ўқитувчиларини касбий маҳоратини ошириш бўйича «Современные методики преподавания русского языка как неродного (иностранного). Использование российских электронных образовательных ресурсов в преподавании русского языка за рубежом» мавзусида профессионал таълим муассасалари рус тили фани ўқитувчилари учун онлайн ўқув-семинар ўтказилди. Мазкур онлайн ўқув-семинарнинг 378 нафар иштирокчиларига курс якуни юзасидан сертификатлар тақдим этилди.

2021 йил 26 июн куни Ҳудудий бошқарма масъул ходимлари, идоравий бўйсунувидан қатъий назар барча профессионал таълим муассасалари ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарлари ҳамда информатика ва касбий фаолиятда ахборот технологиялари фанлари ўқитувчилари иштирокида “Электрон ахборот тизими-таълим платформасидан фойдаланиш” мавзусида онлайн семинар-тренинг ташкил этилди.

2021 йил 30 июнь куни РУДН профессор-ўқитувчилари томонидан профессионал таълим муассасалари директорлари, рус тили фани ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталари учун “Чет элга меҳнат фаолияти юритиш учун чиқаётган ёшларни рус тилига ўқитиш курсларини ташкил этиш” мавзусида қисқа муддатли малака ошириш курси ўтказилди.

2021 йил 16 июль куни РУДН профессор-ўқитувчилари томонидан “Разработка и апробация совместных учебно-методических материалов (программ учебных курсов) с учетом инновационных технологий для оказания дополнительных образовательных услуг, в том числе по программе «предвыездная подготовка мигрантов»” мавзусида Ҳудудий бошқарма масъул ходимлари ҳамда профессионал таълим муассасалари директорлари иштирокида ўқув-семинар ташкил этилди.

Педагогик инновациялар институтининг 2021 йил 16 сентябрдаги 84-сонли буйруғига асосан жорий йилнинг 12 октябрь куни “Қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимини такомиллаштиришнинг илимий-ташкилий омиллари” мавзусида илмий-амалий семинар онлайн тарзда ташкил этилди. Мазкур семинарда мингдан ортиқ профессионал таълим ўқитувчилари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “21-октябрь Ўзбек тили байрами куни муносабати билан ташкил этиладиган умумхалқ байрами тадбирларига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тўғрисида”ги 54-сон баёнида белгиланган топшириқлар ижроси юзасидан институтда икки босқичда байрам тадбирлари амалга оширилди. Биринчи босқичда институтда фаолият олиб бораётган ходимлар ўртасида жорий йилнинг 27 октябрь санасида эркин мавзуда ёзма иш (диктант) танлови ўтказилди, иккинчи босқичда 28 октябрь куни “Тил-

миллат кўзгуси” мавзусида амалий семинар ташкил этилди. Педагогик инновациялар институти раҳбарияти барча тадбирга йиғилганларни табриклаб, Ўзбекистон тараққиётининг бугунги янги босқичи - миллий юксалиш даври талабларидан келиб чиқиб, она тилимизнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганлигини алохида таъкидлаб ўтди. Тадбир сўнгида барча совриндор ходимларга совғалар топширилди.

2021 йил 18-19 ноябрь кунлари Швейцариянинг Swiss Federal University for Vocational Education and Training (SFUVET) университети ходими жаноб Э.А.Вютрих раҳбарлигида Педагогик инновациялар институти профессор-ўқитувчилари ва ходимлари учун “Ўзбекистон ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталари учун профессионал таълим тизимида вазиятли ўқитиш” мавзусида қисқа муддатли офлайн курслар ўтказилди. Мазкур курсларнинг давоми сифатида Педагогик инновациялар институтининг 10 нафар профессор-ўқитувчилари учун 2021 йил 22 ноябрь – 1 декабрь кунлари 90 соатлик “Ўзбекистон ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталари учун профессионал таълим тизимида бандлик масалалари” мавзусида онлайн курслар ўтказилди. Курсни муваффақиятли тамомлаганларга SFUVET университетининг тегишли сертификати тақдим этилди.

2021 йил 16 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ХООБ бошлиғи ўринбосари, майор У.Х.Абдуллаева бошчилигида “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш” мавзусида онлайн тренинг ўтказилди. Тренингда 1200 нафар касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармалари масъул ходимлари, барча профессионал таълим муассасаларнинг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарлари ҳамда бир нафардан ижтимоий-гуманитар фан ўқитувчилари иштирок этди. Гуманитар фан ўқитувчилари бошчилиги (тренерлиги)да хар бир таълим муассасасида тасдиқланган режага мувофиқ каскад усулида қайд этилган мавзуда ўқувлар ташкил этилди.

2021 йил давомида Педагогик инновациялар институтининг **4** нафар ходимлари онлайн тарзда “Управление проектной деятельности в условиях цифровизации образовательных организаций”, “Совершенствование профессиональных компетенций в области менеджмента образовательных процессов”, “Современные методики преподавания русского языка как неродного (иностранного). Использование российских электронных образовательных ресурсов за рубежом”, мавзудаги халқаро малака ошириш курсларини муваффақиятли тамомлаб, тегишли сертификатларга эга бўлишди.

А.Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш марказларида лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси, имло қоидалари ва давлат тилида иш юритишни ўрганиш бўйича онлайн ўқув курсларида 2021 йил август ойида Педагогик инновациялар институтининг икки нафар ходими иштирок этиб, ўз малакаларини оширди.

Республикамиздаги барча профессионал таълим муассасалари раҳбар ходимлари, педагоглар ва ишлаб чиқариш таълим усталари тўғрисида маълумотлар жамланиб, улар асосида ОЎМТВнинг 2021 йил 21 декабрьдаги 534-сон буйруғи билан профессионал таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларига жалб қилишнинг 2022 йил режа-кўрсаткичлари тасдиқланди.

Педагогик инновациялар институтининг 2021 йил 21 октябрдаги 94/ич буйруғи билан тасдиқланган “Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари ўқув модуллари мазмун-моҳиятини узлуксиз янгилаб бориш тартиби” асосида тингловчиларнинг талаб ва таклифларини эътиборга олган холда Педагогик инновациялар институтида ташкил этилаётган 13 та малака тоифалари бўйича таълим дастурлари янгилаб чиқилди. Таълим дастурларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга мувофиқ ўқув модуллари сони оптималлаштирилди, уларнинг мазмунига қўшимча ва тузатмалар киритилди.

Кафедралар томонидан 2021 йил давомида **27** та семинар-тренинглар, **16** та очиқ дарслар ҳамда **94** маротаба дарс тахлиллари ўтказилди. Масофавий таълим тизими контентини ривожлантириш ва бойитиш мақсадида таълим муассасалари директорлари тоифасига оид барча модулларга видеодарслар тайёрланди ҳамда **my.moqt.uz** платформага жойлаштирилди. Шунингдек, профессор ўқитувчилар томонидан **100** дан ортиқ илмий мақола, тезислар, ўқув, услубий ҳамда электрон қўлланмалар тайёрланиб, нашр этилди. Жумладан:

- Таълимда бошқарув кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан **42** та илмий мақола, **2** та тезис**, 3** та ўқув қўлланма, **1** та услубий қўлланма ва **2** та электрон қўлланма ишлаб чиқилди ва нашр этилди;
- Персонални бошқариш кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан **42** та илмий мақола, **6** та тезис, **2** та ўқув қўлланма, **1** та услубий қўлланма ва **3** та электрон қўлланма ишлаб чиқилди ва нашр этилди;
- Инновацион таълим технологиялари кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан **27** та илмий мақола, **6** та тезис, **6** та ўқув қўлланма, **1** та услубий қўлланма ишлаб чиқилди ва нашр этилди ҳамда **1** та патент олинди.

Институтнинг 5 нафар ўқитувчиларининг Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Бош илмий методик маркази (БИММ) да ва унинг олий таълим муассасаларидаги тармоқ марказларида малакасини оширишни (сентябрь-декабрь ойларида) ташкил этишни сўраб Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига 2020 йил 21 декабрдаги 3Х01/27-789-сон хати юборилди.

МО нинг онлайн шаклини жорий этиш учун:

қўйилган талаблар асосида ўқитувчилар томонидан ҳар бир модул бўйича ўқув-методик мажмуа (маъруза матн, тақдимот слайдлари, видео-аудио матнлар, мустаҳкамлаш учун топшириқлар, БМИлар ва ҳ.) тайёрланиб Googleclassroom платформасига жойлаштирилди;

тингловчиларнинг хужжатлари @moqtuz_bot орқали қабул қилиниб улар тўғрисидаги ҳар ойлик маълумотлар базаси шакллантирилиб борилди;

ҳар бир оқимда малака оширишга жалб этилган тингловчилар тўғрисида буйруқлар (қабул, тингловчилар сафидан чиқариш, сертификат бериш ва ҳ.к.) расмийлаштирилди;

ҳар бир оқим тингловчилари учун дарс жадваллари тузилиб платформага жойлаб борилди. Назарий дарслар ZOOM дастури асосида, амалий машғулотлар Googleclassroom платформаси орқали ўтилди.

ҳар бир оқим тингловчилари билан масофавий ўқитиш платформасига маълумотларни жойлаштириш, улардан логин-парол очиб фойдаланиш бўйича қўшимча машғулотлар олиб борилди;

кириш ва чиқиш тестлари MOQT.uz порталида олиниб натижалари таҳлил қилиб борилди;

битирув малакавий ишлар Googleclassroom платформасида электрон шаклда қабул қилиниб бириктирилган раҳбарлар томонидан баҳолаб борилди ва уларнинг хулосалари сертификат бериш тўғрисидаги буйруқ учун асос қилиб олинди;

ҳар ой малака ошириш курсини муваффақиятли тамомлаган тингловчиларга сертификатлар ёзилиб, платформага жойлаштириб борилди.

Молиявий ресурсларнинг мақсадли сарфланиши ва хўжалик фаолиятида олиб борилган ишлар натижадорлиги тўғрисида. “Бухгалтерия ва молия иқтисод” бўйича

Педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтида 2021 йил бюджет маблағлари ҳисобидан йиллик харажатлар сметасида:

I-груҳ харажатлари, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар бўйича 7 399 991 948 сўм;

II-груҳ харажатлари, ягона ижтимоий тўловлар бўйича 1 508 493 000 сўм;

IV-груҳ харажатлари, бошқа харажатлар бўйича эса 788 991 900 сўм касса харажатлари амалга оширилди.

Институтнинг ётоқхона ва ўқув биносини сақлаб туриш ва бошқа харажатлар учун жами 315 991 917 (уч юз ўн беш миллион тўққиз юз тўқсон бир минг тўққиз юз ўн етти) сўм;

Коммунал тўлов харажатлари учун жами 189 800 000 (бир юз саксон тўққиз миллион саккиз юзминг) сўм;

Институт директорининг топшириғига асосан IV-груҳ харажатларидан иқтисод қилинган маблағлар ҳисобидан 90 200 000 (тўқсон миллион икки юз минг) сўмга замонавий компьютерлар;

2021 йилда бошқа моддий техника ва асосий воситалар учун эса 79 938 983 (етмиш тўққиз миллион тўққиз юз ўттиз саккиз минг тўққиз юз саксон уч) сўм;

Қурилиш таъмирлаш ишлари (2 та хона) учун эса 59 955 000 (эллик тўққиз миллион тўққиз юз эллик беш минг) сўм;

Хизмат сафари харажатларига 53 106 000 (эллик уч миллион бир юз олти минг) сўм;

Институтда онлайн тизимни ташкил қилиш, керакли моддий-техник воситалар билан таъминлаш ва интернет сифатини яхшилаш мақсадида институт сервер қурилмаси профилактика қилинди, интернет сифатини янада ошириш ҳамда ахботор олиш имконини тезлаштириш мақсадида АК “Узбектелеком” билан 2021 йил учун 26 480 000 (йигирма олти миллион тўрт юз саксон минг) сўмга шартнома имзоланди;

Электрон хужжатлар алмашиш дастури амалиётга тадбиқ қилиниш учун 7 390 000 (етти миллион уч юз тўқсон минг) сўм харажатлар амалга оширилди.

Институтнинг бюджетдан ташқари ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 2021 йилда амалга оширилган ишлар юзасидан маълумот

2021 йилда шартнома асосида:

Қайта тайёрлаш курсларидан 78 900 000 (етмиш саккиз миллион тўққиз юз минг) сўм; *(шундан, қайта тайёрлаш ўқитувчи педагогларга соатбай учун 44 367 933 (қирқ тўрт миллион уч юз олтмиш етти минг тўққиз юз ўттиз уч) сўм тўланди)*

Ўқув дастурлар ишлаб чиқиш бўйича 44 750 000 (қирқ тўрт миллион етти юз эллик минг) сўм; *(шундан, ишчи ўқув дастурлар ишлаб чиққан ходимлар иш ҳаққи учун 20 231 530 (йигирма миллион икки юз ўттиз бир минг беш юз ўттиз) сўм иш ҳаққи тўланди)*

Институт ётоқхонасида мавжуд бўш ўринларидан унумли фойдаланиш жараёнида 43 746 000 (қирқ уч миллион етти юз қирқ олти минг) сўм;

Немис Халқ Университетлари ассоциацияси DVV филиали ўртасида тузилган грант шартномаси асосида жами 126 639 811 (бир юз йигирма олти миллион олти юз ўттиз тўққиз минг саккиз юз ўн бир) сўм;

Лойиҳалар доирасида 87 406 748 сўм (саксон етти миллион тўрт юз олти минг етти юз қирқ саккиз) сўм;

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 28 октябрдаги 450-сон буйруғига асосан босмахона ускуналарни техник кўрикдан ўтказиш ва таъмирлаш учун 350 000 000 (уч юз эллик миллион) сўм;

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 29 ноябрдаги 503-сон буйруғига асосан жиҳозлар хариди учун 332 444 000 (уч юз ўттиз икки миллион тўрт юз қирқ тўрт минг) сўм;

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 13 декабрдаги 517-сон буйруғига асосан вазирлик ташкилий тузилмасига кирувчи ташкилотлар ходимлари ойлик иш ҳақларига устамалар учун 388 273 000 (уч юз саксон саккиз миллион икки юз етмиш уч минг) сўм, моддий рағбатлантириш учун 710 208 000 (етти юз ўн миллион икки юз саккиз минг) сўм ажратилиб шундан устамалар учун 142 084 579 (бир юз қирқ икки миллион саксон тўрт минг беш юз етмиш тўққиз) сўм, моддий рағбатлантириш учун 161 112 000 (бир юз олтмиш бир миллион бир юз ўн икки минг) сўм харажат қилинди.

Институт ходимларининг 2020 ва 2021 йиллар давомида 2020 йил ойлик иш ҳақи 3 619 829 819 сўм ойлик иш ҳақи тўланган бўлса, 2021 йил бу кўрсаткич 7 399 9914 948 сўмни ташкил этди. Миллий сўмда ва хорижий валюталар хисобидан тушган 270 172 030 лойиха пуллари ҳам институт ходимларига қўшимча иш ҳақи қилиб берилган.

Институтнинг 2022 йилда молиявий хўжалик фаолиятида амалга оширилиши режалаштирилаётган ишлар

Педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг 2022 йил бюджет маблағлари ҳисобидан йиллик харажатлар сметасида:

I-груҳ харажатлари, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар бўйича 2 261 281 000 (икки миллиард икки юз олтмиш бир миллион икки юз саксон бир) минг сўм;

II-груҳ харажатлари, ягона ижтимоий тўловлар бўйича 2 075 460 000 (икки миллиард етмиш беш миллион тўрт юз олтмиш) минг сўм;

IV-груҳ харажатлари, бошқа харажатлар бўйича эса 1 026 900 000 (бир миллиард йигирма олти миллион тўққиз юз) минг сўм касса харажатлари амалга оширилиши кутилмоқда.

Институтнинг бюджетдан ташқари ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши режалаштирилаётган ишлар

2022 йилда шартнома асосида:

Педагогик қайта тайёрлаш курсларидан 168 504 000 (бир юз олтмиш саккиз миллион беш юз тўрт минг) сўм;

Шартнома асосида ўқув дастурлар ишлаб чиқиш бўйича 64 800 000 (олтмиш тўрт миллион саккиз юз минг) сўм;

Немис Халқ Университетлари ассоциацияси DVV филиали ўртасида тузиладиган грант шартномаси асосида жами 140 000 000 (бир юз қирқ миллион) сўм;

Институт бино ва иншоотларидан самарали фойдаланиш орқали 103 000 000 (бир юз уч миллион) сўм;

Босмахона фаолиятини хусусий шерикчилик асосида ташкил этиш орқали 53 000 000 (эллик уч миллион) сўм;

Грант лойиҳаларидан 1 104 000 000 (бир милярд бир юз тўрт миллион) сўм маблағ тушумлари режалаштирилган.

Ушбу маблағлар доирасида ходимларнинг ойлик иш ҳаққиларига устама ва рағбатлантиришлар ҳамда институт моддий техник базасини мустаҳкамлаш учун сарфланиши режалаштирилган. Жумладан, интернет тармоғини тўлиқ модернизациялаш, янги компьютер ускуналари сотиб олиш, техник-жиҳозларни янгилаш, мебель жиҳозлари сотиб олиш кўзда тутилган.